

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash

Здравоохранение Узбекистана



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2008 йил 3 апрель № 61 Тошкент шаҳри

Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сон Қарорига мувофиқ ҳамда тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидагилар:
Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия бериладиган тиббий фаолият ихтисослашлари турларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, тиббий фаолиятни амалга ошириш учун илгари берилган лицензиялар лицензиатлар ушбу қарорда белгиланган янги лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ бўлган тақдирда ушбу қарор чиққан кундан бошлаб 5 йил мобайнида амал қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар катъий назорат ушбу қарорга мувофиқ берилишини таъминласин;

илгари берилган лицензия эгаларининг ушбу қарорда белгиланган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини уч ой муддатда кўриб чиқсин ҳамда эгалари мазкур талаблар ва шартларга жавоб бермайдиган лицензияларнинг амал

қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш чора-тадбирларини кўрсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси аппаратини ҳамда соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларидаги тегишли бўлинмаларни юқори малакали ва тажрибали мутахассислар билан бутласин;

уч ой муддатда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларининг, шу жумладан улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатига қўйиладиган талабларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига оладиган марказлаштирилган маълумотлар базасини яратсин;

аҳолини оммавий ахборот воситалари, шу жумладан интернет тармоғи орқали лицензия талаблари ва шартлари, шу жумладан кўрсатилаётган хизматлар сифатига қўйиладиган талаблар, шунингдек лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб қўйилган, тўхтатилган ёхуд лицензияси бекор қилинган лицензиатлар тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқатининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ш. МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон
Республикасининг
Бош вазири.**

(Мазкур қарорнинг иловалари билан 2-5-саҳифаларда танишасиз).

Қон — бу ҳаёт!

Қон ва унинг таркибий қисмлари бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун муҳим воситалардан биридир.

Мазкур муҳим масала доирасида республика миқёсида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Расмий веб-саҳифамизда (www.uzss.uz) Ўзбекистон Республикасида Бадасиз донорлик фаолиятини ривожлантириш дастури, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 62-сонли буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва Урта махсус таълим вазирлиги, Гематология ва қон кўйиш илмий текшириш институти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг қўшма қарори, шунингдек, «Қоннинг қийматини дунёда ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди» мавзусидаги материаллар эълон қилинди.

Актуальная тема

ОХРАНА ЗДОРОВЬЯ НАША ОБЩАЯ ЦЕЛЬ



Интенсивное развитие таких отраслей промышленности, как машиностроение, горнодобывающая промышленность, самолетостроение, химико-металлургическая промышленность, приводя к улучшению экономического состояния страны, в то же время влечет за собой некоторые негативные последствия, в том числе и изменение климата. Подобные перемены оказывают влияние на здоровье насе-

ления не только в отдельно взятой стране, но и по всему миру. По данным ВОЗ, за последние 30 лет в Европейском регионе произошло свыше 1000 экстремальных погодных явлений, частота и выраженность которых возрастают в связи с изменениями климата. Согласно самым последним прогнозам, если процесс глобального потепления не будет остановлен, будущие последствия, связанные с периодами жары, навод-

нениями, засухами, более выраженным загрязнением воздуха и изменениями в ареалах распространения переносчиков болезней и растений, нанесут ущерб здоровью миллионов людей. Степень данного ущерба зависит от места проживания, социального состояния, состояния здоровья и от уровня подготовки системы здравоохранения.

(Продолжение на 5-й стр.)

«Саломатлик» сайли: Андижон вилояти

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УМУММИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

Хабарингиз борки, 7 апрель — Бугунжаҳон саломатлик куни ер юзининг барча минтақасида инсон саломатлигининг бош омили сифатида кенг нишонланади. Бу сана нафақат тиббиёт ходимлари, балки кенг жамоатчилик диққат-эътиборида турган даврий воқелик, десак хато бўлмайди. Чунки, халқ манфаатларига хизмат қилишнинг устувор тамойили, албатта, инсон саломатлиги ҳақида кайғуриш экан, бугунги давр, ривожланиш мезони ҳам айнан ана шу максадлар замирида уйғунлашиб боради.

Ҳар кимнинг бойлиги унинг тани-соғлиғида, ҳаёт билан ҳамнафас яшаётганлиғидadır. Шундай экан, бу бебаҳо неъматни қанчаллик ардоқлаш, эъзоз барҳаётлигини таъминлаш эса ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчиға болғик. Мамлакатимизда ҳар йилнинг 7 апрели — Бугунжаҳон саломатлик куни сифатида нишонланиши аҳоли-



нинг замонавий тиббиётга бўлган талаб ва эҳтиёжлари ортиси ҳамда сийҳат-саломатлик ҳақидаги тушунчаларнинг муқаммал шаклланишига туртки бўлмоқда. Ундан ташқари, тадбирнинг «Саломатлик сайли» кўринишида ташкил этилиши фуқароларнинг соғлиқларига нисбатан диққат-эътиборли ва тўғри муносабатда бўлишларини кучайтирмоқда. Аньана тусига кириб бораётган ушбу тадбирнинг халқ манфаат-

лари йўлидаги умуммиллий қадрият даражасида ўтказилаётганлигини Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси фаолияти мисолида кўришимиз мумкин.

(Ушбу саломатлик сайли тафсилотлари ва вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг фаолияти билан газетамизнинг навбатдаги сонидан танишасиз)

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 3 апрелдаги
61-сон қарорига 1-илова

Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Тиббий фаолиятни лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Лицензияловчи органда лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббий муассасалари томонидан кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси (кейинги ўринларда Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Касалликларни профилактика, диагностика қилиш ва даволашга, қилинган касаллик (касалликлар)дан кейин реабилитация қилишга йўналтирилган, махсус тиббий маълумоти ва кўникмаларни талаб қилувчи муайян тиббий ихтисослик (ихтисосликлар) бўйича фаолият лицензияланадиган тиббий фаолият ҳисобланади.

4. Ушбу низомада назарда тутилган талаблар ва шартларга мувофиқ бўлган юридик ва жисмоний шахслар (кейинги ўринларда юридик ва жисмоний шахслар деб аталади) лицензия талабгорлари бўлиши мумкин.

Давлат тиббий муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ ташкил этилган тиббий муассасалари тиббий фаолиятни амалга ошириши уларни ташкил этиш тўғрисидаги даволатномада назарда тутилган тақдирда тиббий фаолиятни лицензия олмастан амалга оширишга ҳақлидир. Ушбу қоида кўрсатиб ўтилган муассасаларни мазкур Низомда назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган тиббий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа талабларни бажаришдан озоқ қилмайди.

5. Хусусий тиббий муассасалари ва жисмоний шахсларга тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар фақат ягона рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган муайян ихтисослик турлари бўйича берилади.

Бошқа нодавлат тиббий муассасалари тиббий фаолиятни Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ихтисослик турлари бўйича амалга оширадидлар.

6. Тиббий фаолиятни амалга ошириш учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

7. Юридик ва жисмоний шахсларга тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар 5 йил мuddатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам мuddатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

8. Куйидагилар тиббий фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

фаолиятни қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда амалга ошириш;

юридик шахс учун – раҳбарнинг олий тиббий маълумотга ва мутахассислиги бўйича камида 5 йил иш стажига, тегишли мутахассис-

лик бўйича малака тоифасига, шунингдек бошқа мутахассис врачларнинг олий тиббий маълумотга ва тегишли мутахассислик бўйича малака тоифасига эга бўлиши;

тиббий муассасасида ишлаётган мутахассис врачларнинг камида 5 йилда бир марта малака ошириш талабларига риоя этган ҳолда зарур касб даражасини таъминлаш;

жисмоний шахс учун – олий ёки ўрта махсус, тиббий касб-ҳунар маълумоти ва ихтисослашувга, шунингдек лицензияланадиган ихтисослик бўйича камида 5 йил иш стажига ва малака тоифасига эга бўлиш;

лицензия талабгорига лицензияланаётган фаолият турини бажариш учун мўлжалланган, унга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган, санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ биноларнинг мавжуд бўлиши;

тиббий фаолиятнинг лицензияланаётган тегишли турига ва/ёки ихтисосликка мувофиқ бўлган таъминот-техник шарт-шароитлар ва моддий-техника жиҳозларининг, шу жумладан:

а) лицензия талабгорига мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган, метрология нормаларига ва техника хавфсизлиги нормаларига мувофиқ бўлган замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналарининг мавжуд бўлиши;

б) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўллашга рухсат берилган тиббий технологиялардан фойдаланишни таъминлайдиган асбоблар, қаттиқ ва юмшоқ махсус инвентарлар, транспорт воситалари ва ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган намуналар ва шакллар бўйича дастлабки тиббий ҳужжатларни юришти, шунингдек статистика маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиш;

санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган диагностика, профилактика ва даволаш методларини, шунингдек дори-дармонларни қўллаш;

фаолиятни лицензияда кўрсатилган тур ва/ёки ихтисослик доирасида, шунингдек лицензия битими ва мувофиқ манзил (манзиллар) бўйича амалга ошириш.

9. Тиббий фаолиятнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага, асбоб-ускуналарга ва бошқа техника воситаларига, шунингдек мутахассиснинг тиббий анжомларининг мажбурий тўлмаси билан таъминланганлигига минимал талаблар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Лицензия талабгори лицензия олиш учун лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда куйидагилар кўрсатилади:

юридик шахс учун – юридик шахсининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами;

жисмоний шахс учун – фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаро-нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат

маълумотлари, банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами;

юридик ёки жисмоний шахс амалга оширишни мўлжаллаётган тиббий фаолиятнинг лицензияланадиган тури ҳамда фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган мuddат;

б) юридик шахслар учун – юридик шахсининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва нотариал тасдиқланган нусхаси; жисмоний шахслар учун – яққа тартибдаги тadbirkорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) худудий санитария-эпидемиология назорати органининг аризадан кўрсатилган тиббий фаолият тури ва/ёки ихтисосликлар бўйича амалга ошириш учун мўлжалланган биноларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

г) лицензия талабгорига муайян ихтисослик бўйича тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд тиббий асбоб-ускуналари ва аппаратларни рўйхати ва уларнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар;

д) "Ўзстандарт" агентлиги органлари ёки "Ўзстандарт" агентлигида тегишли хулосалар бериш ҳуқуқи учун аккредитация қилинган метрология хизматлари томонидан тиббий асбоб-ускуналари ва аппаратларининг метрология нормалари ва стандартларига мувофиқлиги тўғрисида берилган хулоса;

е) юридик шахслар учун – раҳбар учун – олий тиббий маълумот тўғрисидаги дипломнинг, меҳнат дафтарчасининг, малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификатнинг, кейинги 5 йилда малака оширганлик ва/ёки ихтисослашувдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, шунингдек мутахассис врачлар учун – олий тиббий маълумот тўғрисидаги дипломнинг, малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификатнинг, кейинги 5 йилда малака оширганлик ва/ёки ихтисослашувдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

ж) жисмоний шахслар учун – олий ва/ёки ўрта махсус, тиббий касб-ҳунар маълумоти тўғрисидаги дипломнинг, меҳнат дафтарчасининг, малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификатнинг, кейинги 5 йилда малака оширганлик ва/ёки ихтисослашувдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

з) жисмоний шахслар учун – олий ва/ёки ўрта махсус, тиббий касб-ҳунар маълумоти тўғрисидаги дипломнинг, меҳнат дафтарчасининг, малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификатнинг, кейинги 5 йилда малака оширганлик ва/ёки ихтисослашувдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

11. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга чопар орқали ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасининг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда аризага юборилади (топширилади).

13. Лицензия талабгори нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

14. Ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгоридан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорига йигим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йигим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йигим суммаси қайтарилмади.

15. Тиббий фаолиятни лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб йигирма кундан ортқ бўлган мuddатда лицензияловчи орган томонидан қабул қилинади.

16. Лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар илова қилинган аризаси ариза олинган кунда кўриб чиқиш учун Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасига киритилади.

Лицензия талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатлар улар олинган кундан бошлаб ўн беш кун мuddатда (зарурат бўлганда жойига бориб) экспертизадан ўтказилиши керак.

Зарурат бўлганда лицензияловчи орган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун қўшимча равишда тегишли ихтисосга эга бўлган юқори малакали мутахассисларни жалб қилишга ҳақлидир.

17. Лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини аниқлаш учун лицензияловчи орган Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасининг тақдимномаси бўйича ўз маблағлари ҳисобига:

лицензия талабгорига лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун мавжуд шартларини жойига бориб баҳолаш;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун шартнома асосида экспертларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

18. Тақдим этилган ҳужжатлар бўйича лицензия талабгорига лицензия бериш ёхуд лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги тақлиф билан хулоса тузилади.

19. Лицензияловчи орган уч кун мuddатда Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасининг хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда қабул қилинган қарор тўғрисида лицензиат икки кун мuddатда хабардор қилади.

Лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

20. Лицензия берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорига давлат божи ундирилади. Давлат божи суммаси республика бюджетига ўтказилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш мuddати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда ва у лицензия битимини имзолагандан кейин икки кун мuddатда берилади.

Лицензия битимида куйидагилар мавжуд бўлади:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

томонларнинг реквизитлари; амалга оширилган лицензия берилаётган тиббий фаолият тури ва/ёки ихтисосликнинг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари; лицензиянинг амал қилиш мuddати;

лицензияланадиган тиббий фаолият тури ва/ёки муайян тиббий ихтисослик бўйича фаолият амалга ошириладиган манзил (манзиллар);

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

тиббий фаолиятнинг муайян тури ва/ёки ихтисослики амалга ошириш хусусиятларига тааллуқли бошқа шартлар.

Лицензия қайта расмийлаштирилган ёки филиал очилган тақдирда лицензия битимига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиладиган ёхуд янги лицензия битими тузилади.

Лицензия битими икки нусхада – лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

22. Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензия бланкаси намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари лицензияловчи орган бюрортомасига кўра "Давлат белгиси" давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмаҳона усулида тайёрланади.

Лицензиялар бланкаларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси раҳбари шахсан жавоб беради.

23. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмас ёхуд лицензия битимини имзолашмаси, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

24. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида белгиланган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия бериш рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (харакатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

25. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома икки кун мuddатда лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия

(Давоми 3-бетда).

Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун лицензияловчи органга улар қабул қилинган кунда киритилади.

Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси тақдим этилган ҳужжатларни олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда такроран кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия бериш рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган уч кун муддатда Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасининг хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия бериш рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва лицензия талабгорини қабул қилинган қарор ҳақида икки кун муддатда хабардор қилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йигим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

26. Юридик шахс – лицензиат қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс – лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ёки фаолиятни амалга ошириш жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

27. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолият турини илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

28. Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгаришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўла-

надиган сумманинг ярми миқдоридан йигим ундирилади. Йигим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

29. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

30. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензиялар дубликатларини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланган сумманинг ярми миқдоридан йигим ундирилади. Йигим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

31. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

32. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга: лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режалар текшириш; лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда лицензиатнинг уларга риоя қилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш; лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уларни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар чиқариш ва тақдимнома билан судга мурожаат қилиш; ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тиббий фаолиятни лицензия олмасдан амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўриш учун белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларига юбориш.

33. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

34. Лицензияловчи орган шунингдек:

аҳоли ўртасида, шу жумладан саволнома-сўровномалардан фойдаланган ҳолда сўров ўтказиш; фуқароларни белгиланган тар-

тибда қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппаратда ва соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларида ўрнатилган "Ишонч телефони" бўйича ахборот олиш;

бошқа назорат органлари томонидан нодавлат муассасаларида ўтказилган лицензиатларни текширишлар яқунлари бўйича тушадиган ахборотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш йўли билан лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориши мумкин.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

35. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензияловчи орган қарорининг асоссиз эканлиги суд томонидан

эътироф этилган тақдирда лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат ўрган зарар миқдоридан жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

36. Лицензияловчи орган лицензиялар реестрини юритади. Тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар реестрлари юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида-алоҳида юрителиади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилади:

- лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар; юридик шахслар учун – ташкилотнинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами, мулкчилик шакли, филиаллар тўғрисида маълумотлар, ташкилот раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми; жисмоний шахслар учун – лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг паспорти маълумотлари, уй манзили, телефони;
- лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;
- лицензия бланкисининг серияси ва тартиб рақами;
- лицензияланадиган фаолият тури ва/ёки ихтисос;
- лицензияланадиган фаолият тури амалга оширилмаган манзил,

иш телефони, факс;

ж) лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

з) лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

37. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар тўлов асосида лицензияловчи органдан аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирма тарзда маълумот олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридан тўлов ундирилади, тўлов лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.


Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.

IX. Ушбу Низомни бузганлик учун жавобгарлик

38. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомга илова

Тиббий фаолиятни лицензиялаш схемаси



(Давоми 4-бетда).

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 3 апрелдаги
61-сон қарорига
2-илова

Хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия бериладиган тиббий фаолият ихтисосликлари турларининг рўйхати

I. Врач

мутахассисликлари

1. Умумий врачлик амалиёти
- 1.1. Тез тиббий ёрдам
2. Акушерлик ва гинекология (маслаҳат-диагностика ёрдами, консерватив даволаш, кичик оператив гинекология)
- 2.1. Болалар ва ўсимлар гинекологияси (операциясиз)
3. Эндокринология (операциясиз)
- 3.1. Болалар эндокринологияси (операциясиз)
4. Ички касалликлар (терапия)
- 4.1. Аллергология ва иммунология
- 4.2. Гастроэнтерология
- 4.3. Гериатрия
- 4.4. Диетология
- 4.5. Клиник фармакология
- 4.6. Курортология, физиотерапия
- 4.7. Даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти
- 4.8. Нефрология

- 4.9. Пульмонология
- 4.10. Ревматология
- 4.11. Функционал диагностика
5. Оториноларингология (ЛОП органларнинг мураккаб туғма нуқсонларини бартараф этишга оид операциялардан ташқари)
- 5.1. Сурдология-оториноларингология
6. Кардиология (интервенцион кардиологиядан ташқари)
7. Офтальмология
- 7.1. Болалар офтальмологияси (операциясиз)
8. Дерматовенерология (фақат дерматология бўйича хизматлар)
- 8.1. Тиббий косметология
9. Неврология
10. Наркология
11. Психотерапия
12. Умумий хирургия (юқори технологияли ва ихтисослаштирилган операциялардан ташқари)
- 12.1. Кардиохирургия (маслаҳат-диагностика ёрдами)

- 12.2. Колопроктология (маслаҳат-диагностика ёрдами, консерватив даволаш, кичик оператив колопроктология)
- 12.3. Пластик хирургия
- 12.4. Томир хирургияси (маслаҳат-диагностика ёрдами)
- 12.5. Жағ-юз хирургияси (маслаҳат-диагностика ёрдами)
- 12.6. Экстракорпорал детоксикация
- 12.7. Диагностика ва даволаш-операцияли эндоскопия
13. Нейрохирургия (маслаҳат-диагностика ёрдами)
14. Гематология (маслаҳат-диагностика ёрдами)
15. Урология (маслаҳат-диагностика ёрдами, консерватив даволаш, кичик оператив урология)
- 15.1. Болалар урологияси (операциясиз)
- 15.2. Сексопатология
16. Тиббий радиология
- 16.1. Рентгенология

- 16.2. Ультратовуш диагностикаси
17. Реабилитология
- 17.1. Курортология
- 17.2. Физиотерапия
- 17.3. Даволаш физкультураси
- 17.4. Спорт тиббиёти
18. Анестезиология ва реаниматология (фақат рухсат берилган операциялар бўйича)
19. Травматология ва ортопедия (операциясиз)
- 19.1. Болалар травматологияси ва ортопедияси (операциясиз)
20. Оилавий тиббиёт
21. Тиббий генетика
22. Умумий педиатрия
23. Педиатрия
- 23.1. Болалар кардиологияси ва ревматологияси
- 23.2. Болалар гастроэнтерологияси
- 23.3. Болалар нефрологияси
- 23.4. Болалар пульмонологияси
24. Болалар хирургияси (маслаҳат-диагностика ёрдами)

25. Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси (фақат рухсат берилган операциялар бўйича)
 26. Болалар неврологияси
 27. Неонатология
 28. Лаборатория иши
 - 28.1. Клиник лаборатория диагностикаси
 29. Умумий стоматология
 30. Терапевтик стоматология
 31. Хирургик стоматология
 32. Ортопедик стоматология
 - 32.1. Ортодонтия
 33. Болалар стоматологияси
- II. Урта тиббиёт ходимлари мутахассисликлари**
34. Олий ҳамширалик иши
 35. Акушерлик иши
 36. Даволаш иши
 37. Ортопедик стоматология
 38. Ҳамширалик иши
 39. Лаборатория иши

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 3 апрелдаги
61-сон қарорига 3-илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида" 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармасининг (кейинги ўринларда Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси деб аталади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлими ҳисобланади.

3. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қўнум ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига амал қилади.

II. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасининг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасининг асосий вазифалари ҳисобланади: тиббий фаолиятни лицензиялаш

ишларини ташкил этиш; лицензиялар талабгорларининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини чуқур ўрганиб чиқиш;

лицензиатлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг қўнум ҳужжатларида белгиланган тартибда қўланишга рухсат этилган профилактика, диагностика ва даволаш воситаларига мувофиқлигини назорат қилиш; мониторинг олиб бориш давомида ва текширишлар натижаларини буйича олинган лицензиатларнинг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиши, лицензиатларнинг тиббий хизматлари сифати ҳақидаги ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

қоида бузилишлари аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятига лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар киритиш.

5. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси ўзига юқланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

талабгорлар томонидан тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш; экспертлар гуруҳини шакллантириш, лицензиялар талабгорлари томонидан тиббий фаолиятни амалга ошириш шартларининг дастлабки, зарурат бўлганда эса қўшимча экспертизасини ташкил қилиш;

ўз ваколатлари доирасида лицензиялар талабгорларига зарур ахборотларни тақдим этиш, уларга консултатив-методик ёрдам кўрсатади;

лицензиялар бланкаларини расмийлаштириш, лицензия талабгорларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лицензиялар бериш билан боғлиқ масалалар бўйича қабул қилинадиган қарорлар тўғрисида хабардор қилади, лицензия битим-

ларини расмийлаштиради, лицензиатларга лицензиялар беради, лицензияларни белгиланган тартибда қайта расмийлаштиради ёки уларнинг дубликатларини беради;

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларининг, шу жумладан улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатига қўйилган талабларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотлардан иборат бўлган реестрни ва марказлаштирилган маълумотлар базасини юртади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лицензиатларнинг лицензия талаблари ва шартларига риоя этишларини текширишларда (назорат тартибдаги текширишларда) белгиланган тартибда қатнашади;

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларининг, шунингдек улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатига қўйилган талабларнинг бузилиши ҳоллари аниқланган ҳолларда бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

қўнум ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд лицензияларни бекор қилиш ҳақида тақдимнома тақдим этган ҳолда қарор қабул қилиш ёки судга мурожаат қилиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиради;

тиббий фаолиятни лицензиялаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

лицензиатлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифати тўғрисида мониторинг ўтказиш давомида ва текширишлар натижалари бўйича олинган ахборотларни умумлаштиради ва таҳлил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли бўлимлари билан биргаликда диагностика ва даволаш стандартларини, клиник протоколлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда ҳамда тиббий амалиётга жорий қилишда қатнашади.

6. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши юзасидан қуйидаги йўллар билан доимий мониторингни амалга оширади:

аҳоли ўртасида, шу жумладан саволнома-анкеталардан фойдаланган ҳолда сўровлар ўтказиш; фуқароларни белгиланган тартибда қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппаратида ва соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларида ўрнатилган "Ишонч телефонлари" орқали ахборотлар олиш;

бошқа назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган лицензиатлар фаолиятини текширишлар ахборотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

III. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси ўзига юқланган вазифалар ва функцияларини бажариш учун ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиатлардан текширишлар ўтказиш чоғида зарур ҳужжатларни ва текшириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ахборотларни сўраш ва олиш;

лицензиатларга аниқланган қоида бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, бундай қоида бузишларни бартараф этиш зарур бўлган муддатларни белгилаш;

бошқа назорат қилувчи органлардан улар томонидан ўтказилган лицензиатлар фаолиятини текширишлар натижалари тўғрисидаги улар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати масалаларига тааллуқли ахборотларни сўраш ва олиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятига тиббий фаолиятни лицензиялаш, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига,

шунингдек тиббий хизматлар сифатига риоя қилинишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган ишларни такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш.

8. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси ўзига юқланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, тақдим этиладиган таҳлилий ҳужжатларнинг ҳолисоналиги ва тўлиқлиги учун жавоб беради.

IV. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш

9. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси олий тиббий, фармацевтика ва юридик маълумотга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан бутланади.

Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунди.

10. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лавозимга таъинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси бошлигининг бир нафар ўринбосари бўлади. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи бўлмаган тақдирда унинг функциясини бошлиқнинг ўринбосари бажаради.

11. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи: Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқара ишларини ташкил этишда ва назорат қилади;

Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармасига юқланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, тақдим этиладиган таҳлилий материаллар ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги учун шахсан жавоб беради;

Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси бўлиmlари фаолиятини мувофиқлаштиради,

(Давоми 5-бетда).

(Давоми 3-бетда).

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 3 апрелдаги
61-сон қарорига 3-илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси тўғрисида НИЗОМ

бўлимлар ходимлари ўртасида функционал вазифаларни тақсимлади, ҳар бир ходимнинг аниқ топшириқларнинг бажарилиши учун жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, шунингдек Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси ходимларини рағбатлантириш ёки уларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида тақлифлар киритади;

Лицензиялаш ва назорат қилиш

бошқармаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқади ва вазирлик раҳбариятига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилади.

12. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси қуйидаги иккита бўлимдан иборат бўлади:

тиббий фаолиятни лицензиялаш бўлими;

нодавлат тиббиёт муассасалари ва хусусий врачлик фаолияти билан

шугулланувчи жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бўлими.

13. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси ходимлари Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси ходимлари ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган функционал

вазифаларга мувофиқ амалга оширадидлар.

14. Соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларида лицензиялаш томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати устидан назорат Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг тиббиёт хизматлари сифатини назорат қилиш бўйича бош мутахассислар (кейинги ўринларда бош мутахассислар деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Бош мутахассислар Қорақалпоғистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси билан келишган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

15. Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси ходимларини, шунингдек бош мутахассисларни аттестациядан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 3 апрелдаги
61-сон қарорига 4-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида" 2003 йил 31 октябрдаги 477-сон қарори 1-бандининг иккинчи хат боши ва ушбу қарорга 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 106-модда).

(Давоми. Боши
1-4 бетларда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида" 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон қарори) 2006

йил 22 майдаги 92-сон қарорига илова 28-бандининг "а" кичик банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 34-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек базиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида" ("Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя

қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг моливий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон қонуни) 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига 1-илова 50-бандининг

"а" кичик банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 86-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 2007 йил 18 майдаги 104-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 30-модда).

Актуальная тема

ОХРАНА ЗДОРОВЬЯ НАША ОБЩАЯ ЦЕЛЬ

Учитывая актуальность данной проблемы 8 апреля текущего года в гостинице DEDEMAN (Ташкент), была проведена конференция на тему: "Защита здоровья населения в условиях изменения климата". Данное мероприятие было организовано в рамках Всемирного Дня здоровья, отмечаемого ежегодно 7 апреля. На мероприятии, проведенном по инициативе представительства Всемирной организации здравоохранения в Республике Узбекистан и Министерства здравоохранения, участвовало большое количество представителей международных государственных и негосударственных организаций, ведущих свою деятельность в нашей республике. В свою очередь, министр здравоохранения Республики Узбекистан Феруз Назиров отметил плодотворность сотрудничества ВОЗ и нашей страны за 16 лет независимости:

– В этом году исполняется 60 лет со дня основания Всемирной организации здравоохранения. За весь этот период, сотрудничая с различными государствами, данная организация является главной по защите здоровья населения всего мира. За время сотрудничества нашей страны с ВОЗ осуществлена масштабная работа по профилактике и лечению ВИЧ/СПИДа, разработке и реализации стратегий контроля борьбы против туберкулеза и пропаганде здорового образа жизни среди населения. Результатом многолетней работы стало приобретение нашей страной трех грантов по малярии, туберкулезу и ВИЧ/СПИДу. Узбекистан стал второй страной в СНГ, получив-

(Окончание. Начало
на 1-й стр.)

шей данные гранты. В дополнение к этому, хочется подчеркнуть необходимость нашего дальнейшего сотрудничества, ведь цель у нас единая – здоровье народа.

Мишель ТАЙАД,
Председатель ВОЗ
в Узбекистане.

– Проводимая сегодня конференция по своей сути является очень актуальной, ведь каждый день посредством СМИ мы наблюдаем за изменениями в климате. И к сожалению, одной из причин возникновения таких стихийных бедствий, как засуха, наводнение, пожары является человеческий фактор. По источникам ВОЗ, концентрация CO₂ бьет все рекорды. И всему этому причина – сжигание ископаемых видов топлива, а также уничтожение опавшей листвы путем сжигания, некачественное очи-



щение окружающей среды (почвы, воздуха, воды), которые приводят к респираторным заболеваниям. Помимо этого, большой ущерб здоровью наносит некачественная пищевая про-

дукция, а также несбалансированный пищевой рацион, ведь через потребляемые продукты питания в организм человека поступает необходимое количество витаминов и минералов. Еще одним немаловажным фактором является нехватка и недостаточное очищение питьевой воды, что приводит к различным инфекционным заболеваниям, заболеланиям ЖКТ. Учитывая тот факт, что большой процент в изменениях климата принадлежит действиям человека, мы, люди, должны сделать все возможное, чтобы свести ущерб, наносимый человеком, к минимуму.

З. МУТАЛОВА,
Директор института
Здоровья и медицинской
статистики.

– Защита окружающей среды, бережное отношение к дарам природы – это очень важ-

ношение к природе человечество наносит ей огромный ущерб, и, конечно, это влечет за собой появление и распро-



странение различных заболеваний. И сегодня размышляя об актуальной теме конференции хочется сказать, что только сплотив всеобщие силы мы можем сохранить разнообразие и красоту этого мира для нас и наших детей.

Н. ШАРИПОВА,
Начальник санитарного
отдела, Главного
управления санэпиднадзора
Министерства
здравоохранения
Республики
Узбекистан.

– Тема данной конференции выбрана не зря, так как на сегодняшний день здоровье человека является приоритетом любой страны. Проблемы ВИЧ/СПИДа, туберкулеза, охраны материнства и детства являются нашей главной целью. Различные стихийные бедствия, загрязнение окружающей среды – все это угрожает здоро-

вью человека, особенно подрастающему поколению. Помимо этого, в центре внимания находится проблема Аральского моря. Уровень воды в море стремительно уменьшается, что приводит к нехватке воды и ее загрязнению, изменению воздуха, к засухе. В результате многочисленных исследований, жи-

вущих в регионе Аральского моря, обнаружен большой процент детей, страдающих респираторными заболеваниями, и является свидетельством масштабности данной проблемы. Конференция прошла очень продуктивно, и мы надеемся, что плоды этой конференции мы увидим в улучшении здоровья населения планеты.

Действительно, планета, на которой мы живем, очень уязвима и страдает от воздействия человека и его деятельности. И свидетельством этому – глобальные изменения в климате. Прислушиваясь к мнению специалистов, мы сделали следующий вывод: состояние окружающей среды, ее чистота – в наших руках, и каждый из нас может внести свой, пусть небольшой, вклад в ее сохранение.

Ирода ИЛЬХАМОВА,
Автор фот.
Ибодат СОАТОВА.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2008 йил 25 мартдаги
121-сонли буйруғига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорини бажариш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар бўйича назорат режаси

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш учун маъсуллар	Бажариш муддати
1.	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларини, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларини, вилоят тиббий диагностика марказларини, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини ва қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш бўйича ташкилий, молиявий ва бошқа тадбирлар бажарилишини таъминлашни.	1. Вазирлар Маҳкамасининг “Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли Қарорига асосан: янги ташкил қилинаётган соғлиқни сақлаш муассасалари ниҳомлари (устави), ташкилий-меъёрий ҳужжатлари, штамп ва муҳрларини ниҳомга мувофиқлаштириб қайта ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда маҳаллий ҳокимиятларда рўйхатдан ўтказиш. 2. Қуйидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: - Имтиёзли тоифага кирувчи беморларни вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида тиббий диагностикаси, даволаниши учун йўлланмалар (ордер) бериш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби.	ССВнинг Бош адлия маслаҳатчиси Тошкент ш. ССБ ва ВССБ	20 апрель 2008 йил
2.	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларини, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларини, вилоят тиббий диагностика марказларини, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини штат меъёрлари тасдиқлашни	1. Меъёрий ҳужжатлар асосида амалдаги штатлар жадвалини қайта қуриб чиқиш ва тузиб молия идораларида рўйхатдан ўтказиш. 2. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларини, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларини, вилоят тиббий диагностика марказларини, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг янги штат меъёрларини ишлаб чиқиш. 3. Ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шу жумладан, болалар, тиббий диагностика марказлари, туман тиббиёт бирлашмаларининг штат меъёрларини тасдиқлаш.	ҚР ССВ Тошкент ш. ССБ ва ВССБ ДПЕББ, ОваБМКББ ИваМБТББ ДПЕББ, О ва БМКББ И ва МБТББ	30 апрель 2008 йил 20 июнь 2008 йил 20 июль 2008 йил
3.	Худудий молия бошқармалари билан биргаликда молиялаштириш фаолияти тартибини ўрнатиш: - вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг фаолияти аралаш тарзда Давлат бюджети маблағлари, ўз даромадлари ва жалб қилинадиган манбалар (грантлар, ҳомийлик маблағлари ва бошқалар) ҳисобига молиялаштирилиши; - вилоят тиббий диагностика марказининг фаолияти пуллик консультация-диагностика хизматлари курсатишдан олиннадиган ўз даромадлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилиши; вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.	1. Марказларни ҳамда туман тиббиёт бирлашмаларини молиялаштириш бўйича методик қўлланма ишлаб чиқиш.	И ва МБТББ ҚР ССВ Тошкент ш. ССБ ва ВССБ	1 май 2008 йил
4.	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шу жумладан, болалар, тиббий диагностика марказлари, туман тиббиёт бирлашмалари, санитария-эпидемиология хизмати, қон қуйиш станциялари ва ОИТС марказларининг 2008-2012 йилларда босқичма-босқич жиҳозланиш учун зарур молиявий харажатларни аниқлаш, ушбу мақсадда халқаро ташкилотлар ва молиявий муассасаларнинг грантларини жалб этиш.	1. Республика, вилоят ва туман тиббиёт муассасаларини жиҳозлашни стандартларини тасдиқлаш. 2. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шу жумладан, болалар, тиббий диагностика марказлари, туман тиббиёт бирлашмалари, санитария-эпидемиология хизмати, қон қуйиш станциялари ва ОИТС марказларининг 2008-2012 йилларда босқичма-босқич жиҳозланиш учун зарур молиявий харажатларни аниқлашни яқунлаш 3. Ўрнатилган тартибда келишилган ҳолда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шу жумладан, болалар, тиббий диагностика марказлари, туман тиббиёт бирлашмалари, санитария эпидемиология хизмати, қон қуйиш станциялари ва ОИТС марказларининг 2008-2012 йилларда босқичма-босқич жиҳозланиш дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	ДПЕББ, И ва МБТББ СЭНББ МТБРББ «Ўзтибтехника» ОАК «Ўзмедэкспорт» МТБРББ, «Ўзтибтехника» ОАК «Ўзмедэкспорт» РТИК	30 март 2008 йил йил давомида 20 апрель 2008 йил
5.	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шу жумладан, болалар, тиббий диагностика марказлари, туман тиббиёт бирлашмалари, санитария-эпидемиология хизмати, қон қуйиш станциялари ва ОИТС марказларининг тиббий кадрларини малакасини ошириш.	1. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шу жумладан, болалар, тиббий диагностика марказлари, туман тиббиёт бирлашмалари, санитария эпидемиология хизмати, қон қуйиш станциялари ва ОИТС марказларининг ўрнатилган тартибда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	ФваУЮББ ДПЕББ ОваБМКББ СЭНББ	20 май 2008 йил
6.	Худудий соғлиқни сақлаш бошқармаларига вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, вилоят тиббий диагностика марказлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларига методик ва амалий ёрдам ташкил этиш бўйича ташкилий молиявий ва бошқа тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш.	1. Вилоятлар миқёсида тиббиёт муассасалари рўйхатини (реестр) тасдиқлаш. 2. Мазкур буйруқнинг 3-иловасига мувофиқ амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида худудларга чиқиши.	ДПЕББ ОваБМКББ ИваМБТББ ПХваПБ ФваУЮББ СЭНББ Бошқарма бошлиқлари, Республика ДПМ раҳбарлари.	5 апрель 2008 йил Апрель 2008 йил

Новости

НА ВСТРЕЧУ РАЗВИТИЯ МЕДИЦИНЫ

Указ Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова об основных направлениях реализации Государственной программы по углублению и развитию реформирования системы здравоохранения стал своеобразным путеводителем в деле совершенствования системы здравоохранения и подготовки высококвалифицированных медицинских кадров.

Для реализации данной цели по всей республике проводится масштабная работа. Улучшается материально-техническая база медицинских учреждений, уделяется внимание подготовке и переподготовке, а также повышению квалификации медицинских кадров, внедряются в практику самые передовые достижения. И все это ради одного – сохранения здоровья народа.

Именно этой цели придерживались организаторы научно-исследовательской конференции посвященной, актуальным вопросам нейрохирургии. На данном мероприятии, проведенном по инициативе Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, участвовали как отечественные, так и зарубежные специалисты в области нейрохирургии, невропатологии, анестезиологии, реаниматологии и травматологии. Делясь своим мнением, профессор Российского научно-исследовательского института нейрохирургии Виктор Олюшин отметил, что благодаря поддержке государства на сегодняшний день качественно совершенствуется узбекская школа нейрохирургии. Применяются современные медицинские технологии, воспитывается новое поколение медицинских работников. Мы надеемся и в дальнейшем вести тесное сотрудничество с вашими специалистами.

К тому же в рамках конференции была проведена выставка современных медицинских технологий, а также лекарственных средств.

Ирода ИЛЬХАМОВА.

ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Жаҳон Соғлиқни Сақлаш
Ташкилотининг Ўзбекистондаги
ваколатхонаси ҳамда ЮНИСЕФ
халқаро ташкилоти ҳамкорлигида
9 апрелдан 1 июнгача бўлган
муддатда Ўзбекистонда эмлаш
дастурининг боришини оммавий
ахборот воситалари орқали
ёритишда фаол иштироки учун
оммавий ахборот воситалари
ҳодимлари ўртасида
танлов эълон қилади.

Танловда:

- Энг яхши электрон ахборот материали;
- Энг яхши мақола;
- Энг яхши телерадио материаллар кўриб чиқилади.

Материаллар 2008 йилнинг 1 июнига қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика Давлат санитария-эпидемиология Бош бошқармаси ташкилий қўмитасининг халқаро эмлаш дастури раҳбари Дилором Турсуновага топширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 12-уй. Телефон: (+99871) 139-47-21.

Кўшимча маълумотларни ташкилий қўмита ёки интернетнинг <http://www.who.int/immunization> ва <http://www.evro.who.int/vaccine> сайтидан олишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2008 йил 25 мартдаги
121-сонли буйруғига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарорини бажариш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар бўйича назорат режаси

7.	Марказларнинг фаолиятини аниқ мувофиқлаштириш ва улар томонидан беморларни диагностика ва даволаш бўйича яна стандартларига риоя қилиш, ДПМларнинг амалиётга замонавий тиббиёт технологиялари, бошқаруving иқтисодий услубларини, илғор ташкилий шакллари ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш услубларини амалиётга татбиқ этиш устидан назорат таъминлиниши.	1. Хирургия, стоматология, ва юкумли касалликларнинг диагностика ва даволаш стандартларини тасдиқлаш. 2. ССВ томонидан тасдиқланган диагностика ва даволаш стандартларини ҳар бир тиббиёт муассасасига етказиш. 3. ДПМ ларда Диагностика ва даволаш стандартларини қўллашнинг мониторингини олиб бориш.	ДПЕББ, О ва БМКББ, ССВнинг бош мутахассислари ДПЕББ, О ва БМКББ, ССВнинг бош мутахассислари ДПЕББ, О ва БМКББ, ССВнинг бош мутахассислари	10 апрел 2008 йил 20 май 2008 йил доимий
8.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли Қарори ижроси юзасидан мониторинг мунтазам тизимли асосда олиб борилиши.	1. Олиб борилган ва амалга оширилган ишлар тўғрисида ССВнинг ДПЕББ, И ва МБТББ, О ва БМКББларига маълумот бериш. 2. Олиб борилган ва амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериш.	ҚР ССВ Тошкент ш. ССБ ва ВССБ ДПЕББ ОваБМКББ ИваМБТББ ФваУЮББ СЭНББ	Ҳар чоракда кейинги ойнинг 5 санасигача Ҳар чоракда кейинги ойнинг 10 санасигача

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2008 йил 25 мартдаги
121-сонли буйруғига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича республика худудларига бириктирилган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул раҳбар ходимлари рўйхати

Ф.И.Ш.	Лавозими	Бириктирилган худудлар
Ф. Г. Назиров	Соғлиқни сақлаш вазири	Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти
А. И. Икрамов	Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари	Сирдарё вилояти, Жиззах вилояти, Навоий вилояти
Б. И. Ниёзматов	Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари	Андижон вилояти, Фарғона вилояти, Наманган вилояти
М. Х. Ходжибеков	Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари	Сурхондарё вилояти, Қашқадарё вилояти
А. И. Камилов	Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари	Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти
Н. Ў. Шарапов	Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари	Бухоро вилояти, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2008 йил 25 мартдаги
121-сонли буйруғига 3-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли Қарорининг бажарилишида амалий ва услубий ёрдам кўрсатувчи ишчи гуруҳларининг республика худудларига чиқиш жадвали

№	Худудлар (барча туманлар)	ССВнинг масъул шахслари, лавозими	Ишчи гуруҳ аъзолари (муассасалар раҳбарлари)	Ўтказилиш кунлари
1	Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри	В. С. Алимова – ДПЕББ бошлиғи, Б. К. Юсупалиев – ДПЕББ бошлиғи муовини	РШТЭИМ (А. М. Хаджибаев), ТТА 3 клиника (М. Х. Қодиров), ТТА (Ш. И. Каримов), Тошкент ш. ССББ (М. С. Исламов)	14 -16 апрель 2008 йил
2	Андижон вилояти	О. М. Исламова – Назорат инспекцияси бошлиғи, А. Х. Нуриддинов – Назорат инспекцияси бошлиғи муовини	РИКММ (З. У. Сидиков), АДТИ (М. А. Хужамбердиев)	17-19 апрель
3	Самарқанд вилояти	Б. О. Хошимов – И ва МБТББ бошлиғи, Е. Р. Файзуллаев – И ва МБТББ бошлиғи муовини	Эндокринология РИИАТМ, (С. И. Исмаилов), СамДавТИ (А. М. Шамсиев)	14-16 апрель
4	Фарғона вилояти	К. Т. Ядгарова – О ва БМКББ бошлиғи	Г ва ҚҚ РИИАТМ (Х. Ё. Каримов), ТМА Фарғона филиали (М. Абдурахмонов)	7-9 апрель
5	Сирдарё вилояти	Ш. Э. Атаханов – Ф ва УЮББ бошлиғи, М. Х. Алимова – Ф ва УЮББ бошлиғи муовини	РИКМ (Р. Д. Курбанов), ТТА 2 клиника (Б. О. Мамажонов)	14-16 апрель
6	Қорақалпоғистон Республикаси	Н. Б. Каланов – МТБББ бошлиғи	РОНЦ (С. Н. Наврузов), А ва Г РИИАТМ АиГ (Ж. Ж. Курбанов)	24-26 апрель
7	Хоразм вилояти	С. С. Сайдалиев – СЭНББ бошлиғи, Б. Ж. Маткаримов – СЭНББ бошлиғи муовини	ТошПТИ (А. В. Алимов), Нейрохирургия РИМ (Г. М. Кариев)	17-19 апрель
8	Бухоро вилояти	А. А. Агзамов – Х ва ПХТМ бошлиғи, М. Мираҳмедов – Х ва ПХТМ бошлиғи муовини	РИУМ (Ф. А. Акилов), БухДавТИ (Р. М. Аҳмедов)	21-23 апрель
9	Навоий вилояти	М. Я. Ибрагимова – ДВ ва ТТСНҚББ бошлиғи	РПМ (А. С. Любич), Д ва В РИИАТМ (Ш. И. Ибрагимов)	21-23 апрель
10	Сурхондарё вилояти	И. З. Уринбаев – Ў ва ЧЕТЭТМ бошлиғи	РИХМ (М. М. Зуфаров), Педиатрия РИИАТМ (Р. С. Дўжубатова), ТМА 1 клиника (Ш. Н. Дадажонов)	17-19 апрель
11	Қашқадарё вилояти	И. З. Уринбаев – Ў ва ЧЕТЭТМ бошлиғи	Т ва О ИТИ (М. Ж. Азизов), ИХ ва КДО РМ (Б. Д. Бабаджанов)	14 -16 апрель
12	Жиззах вилояти	Ф. О. Илҳомов – Л ва НМТЭСНҚББ бошлиғи	Т ва ТР РИИАТМ (А. Л. Лявти), РКШ № 1 (А. Ю. Ибрагимов)	21-23 апрель
13	Наманган вилояти	С. С. Маҳмудходжаев – БХ ва ХБ бошлиғи	РИХМ (Ю. И. Калиш), Республика тери-таносил шиф-си (Б. Ж. Алимов)	17-19 апрель

Эслатма: тушунтириш ишлари олиб бориладиган контингент орасида – ҳокимиятлар ва тегишли худудий молия бошқармалари масъул ишчилари, республика, вилоят, шаҳар ва туманлар ДПМ раҳбарлари, ишчи гуруҳлар таркиби фақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартирилади.

**Ушбу буйруқдаги 4-8-иловалар
www.uzss.uz расмий веб-саҳифамизда
эълон қилинган (2008 йил 1 апрель).**

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоаси таҳририят ходими Бахтиёр Қўшоқовга волидаи муҳтарамаси **АНОРЧА** аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.



Газета муассиси:

**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги**

**Бош муҳаррир:
Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир:
Ибодат СОАТОВА**

**Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ**

**Таҳрир ҳайъати
аъзолари:**

Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдурахмон Носиров, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов, Намоз Толипов (масъул котиб).

Манзилми: 700060,
Тошкент шаҳри,
Охунбобоев кўчаси,
30-уй, 2-қават.
Тел/факс:
233-57-73.
Тел.: 233-13-22.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга шартли белгиси қўйилган.
Адади 8474 нусха.
Буюртма Г-350.

**Газета «ШАРҚ»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп
этилади. Газета ҳажми
2 босма табоқ. Формати
А3. Оффсет усулида
босилган.**
Газета таҳририятнинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

**Саҳифаловчи:
Бахтиёр ҚўШОКОВ.**

**Оператор-дизайнер:
Намоз ТОЛИПОВ.**

Босмахонага
топшириш вақти – 20.00.
Топширилди – 20.00.

1 2 3 4 6 7 8